



NEW UZBEKISTAN IN A NEW NEIGHBORHOOD RELATIONS WITH THE COUNTRIES OF CENTRAL ASIA.

Qurbonov Abdusamad Meligaliyevich

Termez State University

Teacher of the department "History and Source Studies of Uzbekistan"

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5449833>

ARTICLE INFO

Received: 25th August 2021
Accepted: 30th August 2021
Online: 05st September 2021

KEY WORDS

Central Asia, Turan,
brand, countries.

ABSTRACT

The "tectonic" geopolitical changes in the world in the early 1990s, the re-emergence of Central Asia, are undoubtedly among the most dramatic changes and dramatic twists and turns that humanity has experienced over the past 30 years.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ДАВЛАТЛАРГА НИСБАТАН ЯНГИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРДА.

Қурбонов Абдусамад Мелигалиевич

Термиз давлат университети

"Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик" кафедраси ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 25-avgust 2021
Ma'qullandi: 30- avgust 2021
Chop etildi: 05- sentabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Марказий Осие,
Турон,товар,мамлакат
ларга

ANNOTATSIYA

XX асрнинг 90 йиллари бошидаги дунёдаги "тектоник" геосиёсий ўзгаришлар, Марказий Осиенинг қайтадан вуждга келиши инсоният охирги 30 йил мобайнида бошдан кечирган кўплаб драматик ўзгаришлар ва кескин бурилишлар орасида, шубҳасиз, энг муҳим воқеалар қаторига киради.

XX асрнинг 90 йиллари бошидаги дунёдаги "тектоник" геосиёсий ўзгаришлар, Марказий Осиенинг қайтадан вуждга келиши инсоният охирги 30 йил мобайнида бошдан кечирган кўплаб драматик ўзгаришлар ва кескин бурилишлар орасида,

шубҳасиз, энг муҳим воқеалар қаторига киради.

Минтақа асрий сиёсий йуқликдан қайтди ва яна бир бор халқаро ҳаётнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлди. Шунингдек, у бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг диққат



марказида турибди¹.

«Марказий Осиё» атамаси биринчи марта таниқли немис олими, географ Александр фон Гумбольдт томонидан 1843 йили Парижда нашр этилган уч жилдли «Марказий Осиё. Тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлимларни таққослаш» асарида кулланилган эди. Унда олим ички суғориш системасини ва тоғ тизмаларини ўрганиб, Марказий Осиёни алоҳида, ўзига хос минтақа сифатида ажратди².

Шундан сунг «Марказий Осиё» тушунчаси узоқ вақт мобайнида, то сўнгги давргача геосиёсий тушунча сифатида эмас, балки асосан тарихий ёки географик атама сифатида қўлланилиб келинди. Боз устига, минтақанинг чегаралари ҳам, унинг таркиби ҳам аниқ эмас эди. Хатто унинг номи ҳам турли тарихий даврларда ва халқларда ҳар хил аталган. Тарихан олганда, географик омиллар асосий мезон бўлиб хизмат қилган. Юнонлар ва римликлар уни «Трансаксония» - Охус дарёси (Амударё) ортидаги ер деб, хитойлар «Ғарбий ўлка» деб, араблар - «Мовароуннахр» ёки икки дарё оралиғи деб атаганлар³. Эрон «Турон»дан ажратилган. Баъзан минтақа этнолингвистик асосда «Туркистон» деб аталган. Баъзан эса, у «Ички Осиё» (Inner Asia) деб кенгайтирилган тарзда талқин қилинган ва унга Мўғулистон, Ғарбий Хитой, Шимолий Ҳиндистон, Покистон ва Россия Сибирининг жанубий қисми киритилган. Хар қалай,

ЮНЕСКО томонидан нашр этилган «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» китобида минтақа худди шундай кўринишга эга.⁴ Баъзан аксинча, собиқ СССРда бўлганидек минтақа доираси атиги тўрт республика - Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонни ўз ичига олган «Ўрта Осиё» тушунчасига қадар торайтирилди.

Арнольд Тойнби ўзининг монументал «Тарихни англаш» асарида Окс-Яксарт хавзаси (яъни Амударё ва Сирдарё оралиғи), Яқин Шарқ каби ер юзидаги барча муҳим йуллар кесишадиган жой эканлигини, табиий шарт-шароитлар бу жойлар халқаро чоррахага айланишига имконият яратганлигини қайд этади.⁵ Шунинг учун ҳам жаҳоннинг барча асосий динлари ёки шу ерда вужудга келган, ёки қудратли ривож топган, деб таъкидлайди Тойнби.

XXI аср бўсағасида юз берган геосиёсий ўзгаришлар кучларнинг халқаро балансида ва цивилизациялар ўртасидаги алоқаларда Марказий Осиё муҳим рол уйнашини яна бир қарра тасдиқлади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов, минтақанинг ҳозирги замон геосиёсий шароитдаги аҳамияти ҳақида гапирар экан, ушбу аҳамият шунчалик сезиларли ва каттаки, «бу республикаларда юз бераётган ҳодисалар жаҳондаги энг йирик давлатлар турли жуғрофий-сиёсий тузилмаларнинг манфатларига

¹ С.С. Сафоев. Марказий Осиёдаги геосиёсат. «ПАТЕНТ ПРЕСС» нашриёти. Тошкент, 2005 йил. 11-бет.

² Humboldt, A. de. Asie centrale. Recherches sur les chaines de montagnes et la climatologie compare. - Paris, 1843.

³ С.С. Сафоев. Марказий Осиёдаги геосиёсат. «ПАТЕНТ ПРЕСС» нашриёти. Тошкент, 2005 йил. 11-бет.

⁴ History of civilizations of Central Asia. - UNESCO Publishing, Paris, 1996.

⁵ Қаранг: А. Дж. Тойнби. Постигание истории. Москва, Издательство «Прогресс», 1991. - С. 556-557.



бевосита дахлдордир»,⁶ деб таъкидлаб ўтганлар.

Минтақани маданий, этнолингвистик геосиёсий ва геоиқтисодий тенденциялар, шунингдек хавфсизлик муаммолари мажмуи нуқтаи назаридан англаш, муқаррар тарзда Марказий Осиё фақатгина собиқ СССРнинг беш республикасидан иборат эмас, деган хулосага олиб келади. Афронистон ҳамда Хитойнинг ғарбий худудлари ҳам узвий равишда минтақанинг таркибий қисмларидир⁷.

Фаол товар айирбошлаш, тажриба, гоёлар, фан ва техника ютуқларини алмашишга интилишгина Марказий Осиё халқларининг жадал ривожланишини таъминлаган. Машҳур олим, академик В.Бартольд узининг «Туркистон тарихи» асарида таъкидлаб ўтганидек минтақа келажаги «жаҳон савдосида у қандай мавқега эга бўлиши билан белгиланади», бу эса, ўз навбатида, транспорт коммуникациялари тармогининг ривожланишига боғлиқ.⁸

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти минтақанинг ўз салоҳияти билан эмас, балки асосан бошқа, чиндан ҳам муҳим минтақаларга яқинлиги билан белгиланади.

Мавқеи бошқа мамлакатларга нисбатан жойлашувига боғлиқ бўлмаган бирорта ҳам ҳақиқатдан муҳим минтақа ёки давлат жаҳонда йўқ. Лекин Марказий Осиёнинг бутун стратегик аҳамиятини фақат унинг

буюк давлатлар яқинида жойлашганлигига боғлаш ҳам тўғри эмас. Зеро, бугунги кунда Марказий Осиё ўз ҳолича ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги намён бўлмоқда. Минтақанинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда ва бир қанча омиллар билан тавсифланмоқда. Бу омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга:

1. Нисбий демографик салмоқнинг ошиши;
2. Халқаро аҳамиятга молик табиий ресурсларнинг мавжудлиги;
3. Чет эл инвестицияларининг кўп миқдорда жамланиши;
4. Муҳим транспорт-коммуникация йулларининг кесишиши;
5. Цивилизациялараро алоқалар⁹;

Бироқ, афсуски, Марказий Осиёнинг ҳозирги дунёдаги аҳамияти минтақанинг имкониятлари ва креатив салоҳияти билангина белгиланмайди. Марказий Осиё бу ердан келиб чиқаётган ва тарқалаётган хавф-хатар ва таҳдидлар туфайли ҳам жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказидадир.

Марказий Осиёнинг ҳозирги даврдаги геосиёсий аҳамиятини белгиловчи омилларнинг иккинчи гуруҳини минтақанинг тараққиётига ғов бўлаётган омиллар, таҳдидлар ташкил этади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

1. Халқаро терроризм;
2. Диний экстремизм;

⁶ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент, Ўзбекистон, 228-б.

⁷ С.С. Сафоев. Марказий Осиёдаги геосиёсат. «ПАТЕНТ ПРЕСС» нашриёти. Тошкент, 2005 йил. 12-бет

⁸ Бартольд В.В. История Туркестана. Москва, Издательство Восточной литературы, 1963. - С. 166.

⁹ С.С. Сафоев. Марказий Осиёдаги геосиёсат. «ПАТЕНТ ПРЕСС» нашриёти. Тошкент, 2005 йил. 19-бет.



3. Кескин ўзгаришлар муаммолари ва ахолининг турмуш даражасининг пастлиги;
4. Халқаро нарқобизнес;
5. Глобал масштабга эга булган экологик муаммолар;
6. Геосиёсий рақобат;
7. Харбий рақобат потенциали;
8. Оммавий қиррин куруллари;
9. Афронистондаги сиёсий беқарорлик¹⁰.

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари туқнаш келаётган жиддий муаммолар ва тангликлар шунга олиб келмоқдаки, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов Шанхай Хамкорлик Ташкилотининг 2004 йил июнь ойида Тошкентда ўтган саммитидаги нутқида таъкидлаганидек минтақада стратегик ноаниқлик унинг ривожланиш истиқболларида ноойдинлик сақланиб қолмоқда¹¹.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги юксак мавқеи ва аҳамияти субъектив баҳолар билан белгиланмайди, балки стратегик хусусиятга эга бўлган объектив омилларга асосланади.

Биринчидан, Ўзбекистон - минтақадаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат.

Ўзбекистон ҳозирги кунда Марказий Осиёнинг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳам савдо – иқтисодий ҳам маданий – сиёсий йўналишларининг муҳим қисми бўлиб келмоқда. Минтақада 2021 йил биринчи 6 ойлик ҳисоб китобларига

қараганда 34,86 млн нафарга етди¹².

Боз устига энг катта аҳоли қатламига эга бўлган Ўзбекистон учун нафақат Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари, балки жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлган мамлакатлар ҳам иқтисодий, ижтимоий, маданий – сиёсий ва бошқа соҳаларда алоқани мустақкамлашга ҳар қачонгидан ҳам қизиқиши ортиб бормоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Геосиёсий нуқтаи назардан бу, шубҳасиз, муҳим устунликдир. Бошқа томондан, Ўзбекистон минтақанинг беш мамлакати билан умумий чегарага эга булган ягона давлат ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида, қоқ марказида жойлашганлиги айнан шу ҳолат билан белгиланади.

Учинчидан, Марказий Осиёда қачондир мавжуд бўлган ва давлатчилик фан, маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тузилмаларининг пойтахтлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Самарканд, Бухоро, Хива, Куқон ва Тошкент маданиятларининг цивилизацион таъсири ўтмишда мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам жуда кучли булган. Бу шаҳарлар асрлар давомида Марказий Осиёда ва Евросиёнинг бошқа ҳудудларида ислом таълими, илоҳиёти ва диний

¹⁰ С.С. Сафоев. Марказий Осиёдаги геосиёсат. “ПАТЕНТ ПРЕСС” нашриёти. Тошкент, 2005 йил. 29-бет.

¹¹ Қаранг. Ўша асар. 29-бет.

¹² <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/27/demography/>



раҳбариятининг марказлари бўлиб келган.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг етакчи йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан дўстлик ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Минтақадаги бешта давлат ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, динимизнинг бирлиги, томирларимизнинг тутшиб кетганлиги бу мамлакатлар халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришнинг заминидир.

1993 йилнинг январида Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Олий даражадаги бу учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Беш давлат – Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон раҳбарлари Ҳамдўстлик ҳақидаги битимга имзо чекишди. Буни минтақа халқлари зўр мамнуният билан қарши олдилар ва қўллаб-қувватладилар.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари 1993 йил Қозоғистон Республика-сининг Қизил Ўрда шаҳрида, 1994 йил Нукус шаҳрида, 1995 йил Туркменистон Давлатининг Дошҳовуз шаҳрида, 1995 йил яна Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммосига бағишланган учрашувлар ўтказдилар ва бу борада амалий ишлар олиб бора бошладилар. 1999 йил Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида

Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда экологик фалокат минтақасидаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

2017 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан муносабатида янги давр бошланди. Шу йилнинг ўзида Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистон давлатларига Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифлари амалга оширилди. 2018 йил март ойида эса Тожикистонда олий даражадаги учрашув амалга оширилди. Бундан ташқари, 2017 йил Самарқандда БМТ ҳомийлигида «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик»¹³ мавзусида анжуман бўлди. Унда 500 нафар хорижий иштирокчилар қатнашди.

Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан икки томонлама муносабатлари 1992 йил июнда Туркистон шаҳрида Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга расмий давлат ташрифи пайтида Н.Назарбоев билан И.Каримов томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида мустаҳкамланиб борди.

2017 йил июнда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Остона саммити муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистонда бўлди. 2017 йил сентябрда Қозоғистон

¹³ <https://old.xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/11958-markazij-osijo-umumij-kelazhak-uchun-mas-uliyat>



Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари учрашуви яқунлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди. Шавкат Мирзиёев Нурсултон Назарбоевни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирлади.

Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан икки томонлама ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида дўстлик ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида шартнома асосида йўлга қўйилди ва ривожлантирилмоқда. Бу шартнома Тошкентда 1992 йил Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи пайтида имзоланган эди. Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 1993 йил Қирғизистонга қилган расмий давлатташрифи пайтида Ўш шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида 1994–2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тўғрисида Баёнот имзоланди. Бу ҳужжат иккала республикада ишлаб чиқилган миллий дастурларни мувофи қлаштиришга, хомашё ва ишчи кучидан, илмий салоҳиятдан унумли фойдаланишга қаратилган эди.

2017 йил Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатларида янги саҳифа очилди. Шу йил сентябрь ойида Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев таклифига биноан Президент Шавкат Мирзиёев Бишкекда бўлди. Ўзбекистон ва Қирғизистон президентлари ўз ичига 85 фоиз масофани қамраб олган чегара тўғрисидаги битимни имзолашди. Шу

муносабат билан, аҳолининг ўтиб-қайтиши чун икки давлат ўртасидаги 7 йил давомида ёпиб қўйилган чегара постлар очилди. 2017 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикасининг янги сайланган Президенти Сооранбай Жеэнбеков расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликка доир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

XX асрнинг 90 йилларида Тожикистонда бўлган сиёсий беқарорлик Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамколикка салбий таъсир қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан 1998 йил январда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон Ўзбекистонга амалий ташриф билан келди. Икки мамлакат раҳбарлари ташриф яқунлари бўйича қўшма ахборот имзоладилар.

2017 йил Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларида ҳам янги саҳифа очилди. Шу йил май ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган АҚШ ва араб-мусулмон давлатлари саммитида иштироки доирасида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан илк бор учрашди. Учрашув чоғида кўплаб манфаатли келишувларга эришилди. 2017 йилнинг апрелида 25 йиллик танаффусдан сўнг Душанбе ва Тошкент ўртасидаги авиақатнов яна тикланди.

1991 йилда Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари учрашувида Ўзбекистон Республикаси



билан Туркменистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов 1996 йил январда амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди. Чоржўй шаҳрида С.Ниёзов билан И.Каримов ўртасида ва икки мамлакат делегациялари ўртасида музокаралар бўлди. Президентлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида дўстлик ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида давлат чегарасини кўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ва сув хўжалиги масалалари бўйича қатор битимларни имзолашди. 1991 йилдан 2016 йилга қадар икки мамлакат раҳбарларининг 11 марта олий даражадаги ташрифлари амалга оширилди.

2017 йил Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов таклифи билан икки марта (март, май ойлари) Туркменистонга ташриф буюрди. Ташрифлар давомида бир қатор келишувларга эришилди. 2017 йил март ойидаги музокаралар якунида президентлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва кимё саноати, темир йўл транспорти, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 2017 йил 6–7 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Туркменистонда бўлди. Бу Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг Президент сифатида хорижий мамлакатларга қилган илк расмий ташрифи ҳисобланиши диққатга сазовор ва Ўзбекистоннинг кўшни мамлакатлар билан алоқаларда нақадар жонбозлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон ўз чегарадош давлатлари билан ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори саналади.

Чегара узунлигига кўра жануб томонидан 137 км¹⁴.ни ташкил этувчи кўшни Афғонистон ҳар қачон мамлакатимиз диққат марказида турувчи давлатдир.

Икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш бугунги кунда муҳим вазифа бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарихан шаклланган кучли омиллар уз таъсирини курсатиб, сўнгги даврда вужудга келган сунъий тусиқларни бартараф этди. Ўша захоти Марказий Осиёни Форс курфази ва Хинд океани портлари билан Афғонистон ҳудуди орқали боғлайдиган транспорт йўлаги барпо этиш ғояси турилди. 2003 йил июнидаёқ Афғонистон, Эрон ва Ўзбекистон президентлари Техронда шу масала юзасидан кўшма Шартномага имзо чекдилар. Жаҳон ҳамжамияти Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами тариқасида юборган юкларнинг катта қисми бу

¹⁴ <https://constitution.uz/oz/pages/aboutuzbekistan>



ерга Ўзбекистоннинг Термиз порти орқали келганлиги муҳим омил сифатида қаралади¹⁵.

Кун тартибида Марказий Осиё газини жаҳон бозорига олиб чиқувчи қувур йўллари Афғонистон орқали ўтказиш масаласи турибди. Халқаро молия институтлари Марказий Осиёда, шу жумладан Афғонистонда инфратузилма лойиҳалари дастурларини ишлаб чиқмоқдалар ва амалга оширмоқдалар. 2004 йил Ўзбекистон таклиф қилган ва минтақанинг бошқа мамлакатлари қўллаб-қувватлаган Марказий Осиё Умумий бозори концепциясида Афғонистонга ушбу лойиҳанинг узвий қисми сифатида қаралиши қайд этиб утилгани бежиз эмас¹⁶.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо-сотиқ, транзит алоқаларининг ривожланиши ва Ўзбекистонни денгиз транспортига олиб чиқадиган энг яқин йўл

Афғонистон орқали ўтишини ҳисобга олган ҳолда бир қатор янги темир йўл қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилди. 2010 йил Ўзбекистон Афғонистон учун стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳани амалга оширди, яъни Ҳайратон–Мозори Шариф темир йўлининг 75 километрини қуриб берди. Бу каби транзит лойиҳаларининг амалга оширилиши Ўзбекистон ташқи савдо географиясининг кенгайишига асос бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродалари туфайли ушбу давлат билан яқин йиллар ичида бўлган сиёсий барқарорлик натижасида Афғонистон билан товар муомаласи кескин ошди. Ўзбекистон Афғонистондаги тинчликни таъминлашдаги муҳим давлат эканлиги Жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётгани юқоридаги фикрларнинг исботидир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. History of civilizations of Central Asia. - UNESCO Publishing, Paris, 1996.
2. Humboldt, A. de. Asie centrale. Recherches sur les chaines de montagnes et la climatologie compare. - Paris, 1843
3. Бартольд В.В. История Туркестана. Москва, Издательство Восточной литературы, 1963.
4. Дж.Тойнби. Постигание истории. Москва, Издательство «Прогресс», 1991.
5. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. - Тошкент, Ўзбекистон. 1997й
6. С.С. Сафоев. Марказий Осиёдаги геосиёсат. “ПАТЕНТ ПРЕСС” нашриёти. Тошкент, 2005 йил.
7. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/27/demography/>

¹⁵ С.С. Сафоев. Марказий Осиёдаги геосиёсат. “ПАТЕНТ ПРЕСС” нашриёти. Тошкент, 2005 йил

¹⁶ С.С. Сафоев. Марказий Осиёдаги геосиёсат. “ПАТЕНТ ПРЕСС” нашриёти. Тошкент, 2005 йил.